
ҲАЛОЛЛИК ВА ОДИЛЛИК ПРИНЦИПЛАРИ АСОСИДА

Илгари хабар берганимиздек, Фарғона туманида Президент Фармони ва ҳукумат қарорига мувофиқ бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиш ишлари давом этмоқда.

Карантин даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган "Темир дафтар"га киритилган оилалар рўйхатни шакллантиришда ҳалоллик ва одиллик принципларига амал қилинганлиги диққатга сазовордир. Бунда биринчи навбатда оилаларнинг меҳнатга лаёқатсиз ногиронлиги ва сурункали касалликка чалинган аъзолари мавжуд эканига аҳамият берилмоқда. Шунингдек, оилада яқка-ёлғиз кексалар, бевалар ва бошқалар қарамоғига муҳтож кам таъминланган, беш ва ундан ортиқ фарзанди бор оилалар, коронавирус пандемияси сабабли қўлланилган карантин чоралари натижасида ўзининг даромад манбаини йўқотган, бироқ «темир дафтар»га киритилмай қолган оилаларга эътибор берилмоқда.

Фарғона тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-08-12 15:22:23